



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 23 сентябрь, № 185 (4848)

Чоршанба

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 24 августда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 28 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги 625-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 260-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда) **23-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Гаров тўғрисида»ги 736-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган 614-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 96-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 156-модда) **45-моддасининг тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 9, 314-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда) **243-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, яъни мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида тоғилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасаруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш, — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **179-модда** билан тўлдирилсин:

**«179-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик ёки тақдим этиш мuddатларини бузиш, ички назоратни ташкил қилиш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни қонунда белгиланган ҳолларда ёхуд махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмасига биноан тўхтатишга доир чора-тадбирларни кўрмаслик, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ва қонун билан кўрикландирилган

(Давоми 2-бетда).



## ҚУЛАЙ САРМОЯВИЙ МУҲИТ — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий-таълимий тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ушбу муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Корхона жамоаси ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, эндиликда маҳсулот учун зарур хом ашё — полиэтилен гранулаларини «Шуртангазим» мажмуасидан келтириш ниятида. Бу эса, келгусида маҳсулот таннархини арзонлаштириб, ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кенгайтиришига имконият яратмоқда.

Пойтахтимиздаги маъсуляти чекланган жамият шаклидаги «Middle Asia Rotoplast» хорижий инвестиция ани шундай ҳамкорлик мевасидир. Катта сигимли пластмасса идишларини ишлаб чиқаришга иштирокчи бўлиб, маҳсулотларини экспорт қилиш ниятида. Таъкидлаш жоизки, сифатли маҳсулот хеч қачон оморда туриб қолмайди. Корхона-

нони, бизнинг корхонамизда кимёвий ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ҳамда тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган, 250 литрдан 10000 литргача сигимли идишлар тайёрланади. Айни пайтда келиб, маҳсулотларимизга маҳаллий корхоналардан ташқари Қозғистон, Афғонистон сингари давлатларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳам харидор бўлишмоқда. Умуман, келгусида маҳсулот турини кўпайтириш ва унинг 45 фоизини экспорт қилиш ниятида.

### Жараён

да тайёрланаётган маҳсулотлар эса халқаро андозаларга мослаштирилган бўлиши керак. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва сифати ҳақидаги маълумотларни қўлдан кўриб чиқишга имконият яратмоқда.

порт ўрнини босадиган рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, уларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш сингари муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Корхона жамоаси ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, эндиликда маҳсулот учун зарур хом ашё — полиэтилен гранулаларини «Шуртангазим» мажмуасидан келтириш ниятида. Бу эса, келгусида маҳсулот таннархини арзонлаштириб, ишлаб чиқариш ҳажмининг янада кенгайтиришига имконият яратмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.  
СУРАТДА: корхона ишчилари Жамолиддин Нуриддинов ва Иzzат Ражабов.  
Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

## ЎЗБЕКИСТОН «ТОЛЕРАНЦ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА

Германиянинг Бонн шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган «Толеранц» дунё халқлари маданияти халқаро фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль шартларига кўра, унинг ташкилотчилари томонидан ҳар бир иштирокчи давлат вакилларига ўз мамлакатлари маданияти, санъати ва сайёҳлик имкониятларини намойиш этишлари учун павильонлар ташкил этилди. Шаҳарнинг энг катта маданият ва дам олиш болларидан бири — «Рейнау» (Rheinau)да бўлиб ўтган фестивалда Германия Федератив Республикасида аккредитациядан ўтган 70 дан ортиқ мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналари, турли халқаро ва ижтимоий-гуманитар ташкилотлар катнашди.

### ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МАРКАЗИ

Таъбир жоиз бўлса, уч кун давомида «Узэксмарказ» мажмуи енгил санаят ва тўқимачилик корхоналари учун замонавий ишлаб чиқариш линиялари, юқори умумий технологиялар, тикув машиналари, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, тўқимачилик маҳсулотларининг намойиш майдонига, беминнат бозорига айланди. Пировардиди маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасида кўпلىк икки томонлама манфаатли келишувларга эришилди.

Маълумки, енгил санаят мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодийнинг жадал ривожланаётган етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида, айниқса, Президентимиз томонидан маъзур тармоққа қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли Ўзбекистон нафақат пахта хом ашёси етиштирувчи,

### Биз ва дунё

дунёга машҳур бўлган Ўзбекистон билан яқиндан таништиришда жуда муҳим аҳамият касб этади. — Бугун мен ушбу аjoyиб фестивал туфайли ўзининг қадимий шаҳарлари билан дунёга яқинроқ кетган. Буюк Илақ йўлида жойлашган, бой маданият ва тарихий мейморий ёдгорликларга эга мамлакатимиз ҳақида маълумот олиш имкониятига мушарраф бўлдим, — дейди Ўзбекистон павильонининг кўп сонли меҳмонларидан бири, «Германия — Болгария» форуми директори А. Боммерсхайм.

У Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг фахри бўлган миллий қадриятлари, тарихий ва маънавий меросини тиклаш ҳамда уни авайлаб асраш борасида олиб борилаётган сый-ҳаракатларни юқори баҳолади.

Шухрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШДИ

2009 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизнинг йгочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми

114,5 фоизга ўсди.

Тармоқда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодий диверсификация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилгани туфайли шундай юқори кўрсаткичга эришиш таъминланди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга қатор хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, тараққиёт ва фаровонлик тилаб, эзу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:  
Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи **Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Мудофаа ва авиация вазيري, Бош тафтиши **Султон бин Абдулазиз Ол Сауд**;

Миср Араб Республикаси Президенти **Муҳаммад Хусний Муборак**;

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ II бин ал-Хусайн**;

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири ва Дубай ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошд Ол Мактум**;

Марокаш Подшоҳи **Муҳаммад VI**;

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Маҳмуд Аҳмадинежод**;

Фаластин Миллий ҳокимияти раиси, Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос**;

Сингапур Республикаси Президенти **Силлапан Рама Натан**;

Озарбойжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Қозғистон Республикаси Президенти **Нурсултон Назарбоев**;

Туркманистон Республикаси Президенти **Гурбангули Бердимухаммедов**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**;

Татаристон Республикаси Президенти **Минтимер Шаймиев**;

Бошқирдистон Республикаси Президенти **Муртазо Раҳимов**;

Ингушетия Республикаси Президенти **Юнусбек Евкуров**;

Ислам конференцияси ташкилоти Бош котиби **Акмалиддин Эҳсон ўғли**;

МДХ Динларро қенгаши ҳамраиси, Кавказ муслмонлари бошқармаси раиси **Шайх-ул-ислом Оллоҳшуккур Пошазода**;

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) Бош директори **Жак Дюф**.

Табриқлар келиши давом этмоқда.

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИ

Бугунги кунимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Дунёнинг қайси бир ривожланган давлати тажрибасига эътибор қилган, маъзур соҳа улар иқтисодий тараққиётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканига ғувох бўласиз. Юртимизда ҳам Президентимиз раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантиришга давлат сўбсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Кеча мамлакатимизда бошланган анъанавий «InfoCom — 2009» — Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ҳам бу борада олиб борилаётган ижобий сый-ҳаракатларнинг яна бир жумласидандир. Ҳафталикнинг биринчи иш кунини пойтахтимиздаги

Халқаро ҳамкорлик марказида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича Миллий саммит — «ICT-Summit — 2009» билан бошланди. Маъзур тадбирда мамлакатимиздан ташқари Германия, Бельгия, Россия, АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлардан жами 500 нафарга яқин вакиллар иштирок этмоқда.

25 сентябрга қадар давом (Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзга сирни ташкил этувчи маълумотларни гайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёки ошкор этиш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 245-модданинг биринчи қисми «179» рақамидан кейин «179» рақами билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги 154-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 50-модданинг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишни таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солиди ҳамда назорат қилади, шунингдек улар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилади»;

2) 51-модда куйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Марказий банк махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар учун мажбурий бўлган ички назорат қоидаларини тасдиқлайди»;

3) 53-модда куйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар томонидан бузилганлиги аниқланган тақдирда, Марказий банк уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ҳамда санкциялар қўллашга ҳақли»;

Тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; № 5, 90-модда; № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда; № 9, 416-модда; № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда; № 12, 640-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 96-модданинг учинчи қисмидаги «банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 229-модданинг тўртинчи қисмидаги «шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 769-модданинг тўртинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк омонати шартномасида эгасининг номи ёзилган омонат дафтарчасини бериш назарда тутилди»;

«Эттинчи қисми чиқариб ташлансин»;

4) 770-модданинг биринчи қисми «Омонат (депозит) сертификати» деган сўзлардан кейин «эгасининг номи ёзилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«Иккинчи қисми чиқариб ташлансин»;

5) 778-моддадаги «банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар «қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 785-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари «қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғриси-

да»ги 216-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда; № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 14-модда куйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ички назорат қоидалари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартиби бузилганда»;

Тўққизинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 38-модда куйидаги мазмундаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Банклар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади»;

Бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишгина олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги 343-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 6-модданинг учинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юрифтаётган ишлар муносабати билан берилди. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилди»;

2) 18-модда ўзбекча матнининг еттинчи хатбошидаги «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

Куйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги 349-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда) 7-моддаси куйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жисмоний ва юридик шахслар номидан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ битимлар тайёрланганда ҳамда амалга оширилганда адвокатлар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги 358-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда; № 12, 635-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 10-модданинг иккинчи қисми:

куйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, сугурталовчилар ва сугурта воситачиларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар ва санкцияларни қўллашди»;

Ўн биринчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишгина ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 26-модда куйидаги мазмундаги еттинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Сугурталовчилар ва сугурта воситачилари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «Банк сирни тўғрисида»ги 530-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда) 8-моддаси:

Куйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади»;

Иккинчи ва учинчи қисмлари тегишгина учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ЎРК-13-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 412-модда) 17-моддасининг биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тўлов тизимининг аъзоси — банк тўлов тизимидан фойдаланувчининг топшириғига биноан электрон тўловни тегишли тўлов ҳужжати тушган кунда, агар у банкнинг операция кўриб бораётган тўлов бўлса, амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Агар тўлов ҳужжати операция кўри тугаганидан кейин тушса, тўлов тизимининг аъзоси — банк электрон тўловни кейинги иш кунидан кечиктирмай амалга ошириши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРК-163-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 354-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 3-модданинг ўн еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

Ўн саккизинчи — қирқ иккинчи хатбошилар тегишгина ўн еттинчи — қирқ биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 5-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

«Эттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишгина олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин»;

3) 15-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак»;

4) 32-модданинг учинчи қисми чиқариб ташлансин;

Тўртинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

5) 46-модда куйидаги мазмундаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 22 сентябрь № ЎРК—223

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саммитнинг дастлабки иш кунидеёқ Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар ва бунинг

нингдек, электрон тижорат истиқболлари ва бошқа шу каби кўплаб мавзуларга эътибор қаратилди. Жумладан, «UZ» миллий доменини ривожлантириш истиқболлари», «Давлат ахборот сисбати ва ахборот-кутубхона му-

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ РИВОЖИ

мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга

натijasида эришилаётган ютуқлар иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Бу соҳани тараққий эттириш учун қўрилаётган чора-тадбирлар юртимиз иқтисодиётининг юксалишида, аҳоли турмуши ва меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишда, жаҳонда кечаётган жараёнларга республикамизнинг муваффақиятли интеграциялашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистонда АКТ соҳасининг ривожланиши истиқболлари, давлат бошқарувида ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича натижалар, электрон таълим ҳамда инфратузилмани ривожлантириш, шу-

ассасалари», «Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш муаммолари», «Рақамли телевидение АКТдан оммавий фойдаланиш имконияти сифатида», «Мобиль ва юқори тезликка эга алоқа тармоқларининг бугунги ҳолати ва тараққиёти» сингари мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, кеча Тошкент Ахборот технологиялари университетиде «Кадрлар тайёрлаш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш муаммолари» мавзусида халқаро илмий анжуман ўз ишини бошлади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзгаларга меҳр улашиш, яхши ният билан умргузалорлик қилиш, эътиборга муҳтож кишиларга гамхўрлик кўрсатиш мустақил давлатимиз ва халқимизга хос фазилатлардан саналади.

ИНСОН ҚАДРИ МУҚАДДАСДИР

Куни кеча Тошкент шаҳар Ногиронлар хўнарамандчилик марказида бўлиб ўтган тадбирда катнашиб, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор вазифа сифатида изчил амалга оширилатганини айна бир бор чуқур ишонч ҳосил қилдик. Марказ нодавлат ношароат ташкилот бўлиб, бу ерда пойтахтнинг барча туманларидан аъзолар бор. Уларга уста-шогирд усулида тикувчилик, тўкувчилик, юмшоқ ўйинчоқ ясаш, либосларга безак бериш йўнальдирилди бепул сабоқлар уюштирилмоқда. Асосий фаолият тури ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган маъмурият маркази хўмилар кўмағида турли мурувватлар кўрсатилаётган. Учтепа туманидаги муҳташам «Фарход» ресторанида бўлиб ўтган хайрия тадбири ҳам шулар жумласидандир.

— Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар қим қилиши керак, савоб ишни ҳар қим қилиш керак», деган эзгу ҳикмати исботини биз ўз ҳаётимиз мисолида яққол кўраётимиз, — дейди Ногиронлар хўнарамандчилик маркази директори Г. Сайдалиева. — Саховатпеша инсонларнинг саяё-ҳаракати билан хайр-аҳсон тадбирлари тез-тез бўлиб турибди. Бугунги тадбир давомида ҳам марказимизнинг бир қанча аъзоларига махсус аравачалар, қўлтиқтаёллар, ўтириш учун махсус стуллар совға қилинди. Ширинликлар улаштириб, байрамона дастурхон яратилди. Бундан барчамиз шод бўлдик. Гап бирор ҳада ёки молламада ҳам эмас, энинг ортидаги инсонийликда. Зеро, одамийлик бор экан, ҳаёт ўзлаштириб бораверди, қўлларимизда эзгу ҳислар ниш ураверди.

Мақсуд ЖОНИҚОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ махфий ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади».

Маҳаллийлаштириш дастури самараси

Қўкон шаҳрида Маҳаллийлаштириш дастури асосида «Имоно-Грун» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

Айни пайтда бу ерда Навоий кон-металлургия комбинати ва «Узметкомбинат» бирлашмаси буюртмасига биноан, махсус пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш лозимки, шу пайтга қадар хоржидан келтирилган бундай пойабзалларнинг юртимизда ишлаб чиқарилиши саноят корхоналари учун ҳам, металлургия учун ҳам қўлайлик туғдиримоқда.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабар

ЖАҲОН ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИНГ МАРКАЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

балки уни қайта ишлаш салоҳияти юксалиб бораётган давлатлар қаторидан жой олди.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида энгил саноят ва тўқимачилик корхоналари техник ҳамда технологик жиҳатдан модернизация қилинаётгани, янги қувватлар мунтазам ишга туширилаётгани заманидада етиштирилган пахта ни ўзимизда қайта ишлаш ҳажмининг ошишига ҳизмат қилаётти. Эътибор қилинг, «Ўзбек-енгилсаноят» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда 1995 йилда 35,1 миллиард сўмлик саноят маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 526,1 миллиард сўмликка, 2007 йилда 655,9 миллиард сўмликка етказилди. 2008 йилда эса ишлаб чиқариш суръати янада ошди, жами 729 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Бундан ташқари, жорий йилда яна 23 та янги корхона ишга туширилган мўлжалланган бўлиб, ҳозирда уларнинг 15 тасида маҳсулот ишлаб чиқарилимоқда. Натижада қўшимча равишда йилга 44 миң тонна қалава ил, 18 миң миллион погон метр газлама, 1,5 миң тонна трикотаж мато, 6 миллион жұфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкони яратилди. Қарийб 3200 та янги иш ўрни очилди. Айтиш жоизки, бундай кенг

қўламли ўзгаришларда мустақиллик йилларида тизимга жалб этилган 1 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдоридеги хориж инвестицияси қўл келди. Мазкур маблағлар эвазига ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий этилгани тўғрисида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардўш маҳсулот тайёрлаш ҳажми йил сайин ортишга замин яратилди. Пировадиде жорий йилнинг саккиз ойида умумий қиймати 425,2 миллиард сўмлик саноят маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Тайёр-

ланган жами халқ истеъмоли моллари ҳажми эса 81,4 миллиард сўмликдан ортиди. Унинг салмоқли қисми, яъни 237,4 миллион АҚШ доллари миқдоридеги экспорт қилиниб, бу борадаги режа 117 фоиздан ошириб бажарилгани, айниқса, қувонарлиқдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашувида, чет эл сармоиси ўз-ўзидан келадиган инвестициялар учун қўлай муҳит яратилган давлатларгагина йўналтирилади. Ўзбекистонда ана шундай шарт-шароитларнинг мавжудлиги боис қўлаб хорижий

пайтда ўтказилди. Бу эса мамлакатимиз энгил санояти ютуқ

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 16 сентябрда қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, қутлуғ айём муносабати билан юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби пойтахтимизда ва Тошкент вилоятидаги маҳаллалар, Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйлари, махсус мактаб-интернатларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

## ШУКРОНАЛИК ВА САХОВАТ БАЙРАМИ

Ана шундай тадбирлардан бири Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий анъаналар, кадриятлар, урф-одатларни тиклаш, асраб-авайлаш, янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, айниқса, нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аниқ ва манзилли ижтимоий муҳофаза қилишдек хайрли тадбирлар билан ҳамоханг тарзда олиб борилаётди.

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Анвар Каримовнинг таъкидлашича, бу ерда бир юз элик беш нафар нуроний отахон ва онахон истиқомат қилади. Уларнинг саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, мунтазам шифокорларнинг тиббий кўригидан ўтказиш, зарур тиббий муолажалар кўрсатиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Малакали шифокорлар, ижтимоий хизмат мутахассислари уларнинг ҳолидан доимий хабардор.

Тадбирда нуронийларга дори-дармон, тиббиёт воситалари, байрам совғалари топширилди. Бадий жамоалар иштирокида концерт намойиш этилди.

Пойтахтимиздаги "Ёшлар" талабалар шаҳарчасида талаба-ёшлар Рамазон ҳайити муносабати билан кенг қўлмалли ободонлаштириш ҳамда меҳмурувват, саховат тадбирларини ўтказдилар.

— Маҳалламизда олти минг-

дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Университет» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Малика Бобоқуллова. — Рамазон ҳайитида ёшларимиз кекса ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий кўмак беришда фаол қатнашди. Байрам муносабати билан маҳалламиз ҳудудидаги тураржойлар, кўчалар тартибга келтирилди.


"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ ёшлар маҳалла фаоллари, нуроний отахон ва онахон-

лар билан бирга пойтахтимиздаги қабристонлар, кўчалар ва боғларда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Ёлғиз кексалар, ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ўтган ана шундай тадбирлардан бирида «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими томонидан кам таъминланган оила-ларга байрам совғалари топширилди.

Тадбирда Рамазон ҳайитининг мазмун-моҳияти, халқимиз маънавий ҳаётида тугган ўрни, аҳамияти хусусида сўз юритилди.

— Бундай хайрли тадбирларда ёшларнинг, айниқса, фаол иштирок этаяётгани жуда қувонарли, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими бошқаруви раиси Р. Шералиев. — Кўтаринки руҳда ўтаётган байрам одамларда меҳр-оқибат туйғуларининг ва келажакка бўлган ишончнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.




# «ALSKOM»

СУФУРТА КОМПАНИЯСИ  
ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини  
умумхалқ байрами –  
**Рамазон ҳайити**  
билан самимий қутлайди.

*Яратгандан барчага узоқ умр, бахт-иқбол,  
мустаҳкам соғлиқ, Ватанимизга  
тинчлик-хотиржамлик сўраб қоламиз.*



**Азиз юртдошлар!**

## «ШОИРИНИ ҚУЛЧА»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини муборак  
**Рамазон ҳайити**  
билан қизгин муборакбод этиб,  
самимий тилакларини изҳор қилади.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин,  
ҳар бир хонадондан қут-барока аримасин.



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ҳузуридаги аспирантура ва докторантураларга 2010 йил  
учун қуйидаги илмий йўналишлар мутахассисликлари бўйича  
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:**

- физика-математика ва техника фанлари;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва қоғдалар билан Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2009 йил 23 сентябрдан 23 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 2009 йил 24 октябрдан 24 ноябргача танлов асосида ўтказилади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

- Ўзбекистон тарихи;
- фалсафа;
- чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);
- мутахассислик.

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қўшимча маълумотларни  
[www.academy.uz](http://www.academy.uz) сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 233-59-46, 236-77-07.

### «МЕҲРЛИ САВДО» ШЎБА КОРХОНАСИ

2009 йилнинг IV чорағида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича  
тендер ўтказилишини эълон қилади:

**САРИЁҒ, 1-КАТЕГОРИЯЛИ МУЗЛАТИЛГАН МОЛ ҒЎШТИ.**

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улўбёк тумани, Ниязбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.  
Телефонлар: 237-14-59, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 28 сентябрь куни соат 17.00 гача.

---

### «ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

9.00 дан 18.00 гача  
**233-10-60**  
**236-09-25**  
**232-10-63**

242-хона



# PETRONAS Carigali Overseas Sdn. Bhd. компаниясининг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси



**Ўзбекистон халқини муборак Рамазон ҳайити  
билан самимий қутлайди ва бахт-саодат,  
тансиҳатлик ҳамда улкан зафарлар тилаб қолади!**

**Маълумки, жорий йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Мисрда футбол бўйича ёшлар ўртасида XVII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.** Кувонарлиси, унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Футболчиларимиз ўз гуруҳида Англия, Уругвай ва Гана терма жамоаларига қарши баҳс олиб боришади.

**Терма жамоамизнинг умидли ва иқтидорли футболчиларидан бири Санъат Шихов сўнгги пайтларда кўплаб футбол мутахассисларининг эътирофига сазовор бўлмоқда.** У бундан бир неча ҳафта илгари Англияда ташкил этилган йиғин давомида "Челси" клуби ёшлари дарвозасига аjoyиб гол киритиб, ишқибозларнинг олқишига сазовор бўлганди. Биз Санъат билан бўлажак жаҳон чемпионатига кўрилган тайёргарлик ҳақида сўхбатлашдик.

— Ўзбекистон терма жамоалари орасида ёшлар термаси биринчи бўлиб Англияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказиб қайтди. Сафар таассуротлари билан ўртоқлашсангиз...

— У ерда юқори савияда машғулот ўтказдик. Футбол жамоаларига яхши шароит яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Академиянинг энг ёши кичик ўқувчиларига ҳам барча имкониятлар муҳайи этилган. Шунда Англияга бежиз "футбол ватани" деб таъриф берилмаганига яна бир бор амин бўлдик.

— Афсонавий "Уэмбли" Англия суперкубоги учун ўтказилган йилнинг томоша қилиш кўпчилигини орузи. Яна баҳсда қимсан, "Челси" ва "МЮ" клублари аъзолари майдонга чиқса?

— Тўғриси айтсам, "Уэмбли" ўйинида Англия суперкубоги баҳсини томоша қилиш хавлимага ҳам келмаган эди. Ҳатто, Англияга борганимиздан сўнг, суперкубок учрашувини кўриш учун "Уэмбли"га боришимизни айтишганида ҳам ишонмадим. Ниҳоят стадионга ташриф буюргандагина бунга амин бўлдим.

— Англияда кучли жамоаларга қарши ўртоқ

# ҒАЛАБАГА ИШОНЧИМИЗ КУЧЛИ

лик ўйинлари ўтказилди. Учрашулар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Маълумки, Англия футбол жуда тезкор ҳисобланади. Бизга рақиблик қилган жамоаларда ҳам ана шу хусусият маъжуд эди. Қолаверса, рақибларимиз "Челси" ва "Астон Вилла" жамоаларидан икки нафар, "Фулхэм"дан эса бир футболчи Англия ёшлар терма жамоаси таркибига қўйилган. Уйлайманки, мазкур йиғин асосида бўлажак рақибларимиз ва уларнинг ўйин услубидан яхши хабардор бўлдик. Бу эса гуруҳ босқичида бизга ақсотиши аниқ.

— "Челси", "Астон Вилла" ва "Фулхэм". Кўпроқ қайси жамоага қарши майдонга тушган ўйинингиз ўзингизга маъқул бўлди?


— Албатта, "Челси" билан бўлиб ўтган баҳс. Чунки мен бу ўйинда рақиб дарвозасини ишғол қилдим. Қолаверса, гол урган ва жамоангиз ғалаба қозонган

дан биз учун жиддий рақиб вазифини ўтди. Ваҳоланки, чемпионатдаги барча ўйинлар шундай савияда кечади. Ўтган ўртоқлик учрашувларидан келиб чиқиб, бизнинг футболчиларимиз шиддатли баҳсларга тайёр деб ўйлайсизми?

— Йил давомида кўплаб хориж сафарларига бордик. Қатор ўртоқлик ўйинларида тобландик. Олдизга жиддий максалларни қўяётган эканмиз, бу йилда, бир зум бўлса-да, чекинмаслигимиз лозим. Йигитлар камда гуруҳдан чиқиб ўз олдларига вазифа этиб қўйилган.

— Аҳмад Убайдуллаевнинг тактикаси — гол ургандан сўнг ҳимояни ўзгартириш. Лекин Англия, Уругвай терма жамоалари Қатар ёки Бахрейн эмаски, 30 дақиқа ҳужум қилиб, сўнг чарчаб қоладиган...

— Ҳар бир тактиканинг



ўзига яраша хусусиятлари бор. Кўпчилик Аҳмад ақнинг тактикасини ҳимоявий дейди. Аслида эса аксинча, бу ҳужумкор тактика саналади. Ҳужумдаги икки кишига мен қанотдан қўшилиман ва уч киши ҳужум чизиғида бўламан. Шу пайтгача мураббийимиз бизга ҳеч қачон ҳимояланглар, дегмаган. Бу ерда айб ўзимизда, чунки кўпчилигимиз қитъа чемпионатида такти-

## Даврон — бронза медали соҳиб

Хитой Тайпейида XXI Дефлимпия ўйинлари ўтказилди.

Айтиб ўтиш жоиз, мазкур мусобақада заиф эшитувчи спортчилар иштирок этишади. Қитъамизда илк бор ташкил этилган Дефлимпия ўйинларида дунёнинг саксондан ортқ давлатидан тўрт минг нафар спортчи қатнашди. Кувонарлиси, юртимиз шарафини ҳимоя қилган ёш тазквондочи Даврон Хидиров 58 килограмм вазн тоифасида бронза медалини кўлга киритди.

## Кубок «Бунёдкор»га насиб этди

Пойтахтимизда Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

Сўнгги пайтларда юртимизда спортнинг мазкур тури жадал ривожланиб бормоқда. Буну ушбу турнирда иштирокчилар сони ошганлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Мусобақанинг гуруҳ баҳсларида 20 жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда бош соврин учун кураш олиб борди. "Пахтакор", "Бунёдкор", "Локомотив" каби номдор футбол клублари қоишда ташкил этилган мини-футбол жамоаларининг иштироки ҳамда уларнинг таркибиде таниқли футболчиларнинг майдонга тушиши баҳсларга ўзгача жозиба бағишлади.

Гуруҳ беллашувларида биринчи ўринларни кўлга киритган "Пахтакор", "Бунёдкор", "Ардус" ва "Чирчиқ" жамоалари ярим финалга йўл олишди. Бу босқичда эса муҳлислар катта футболда бир-бирига жиддий рақиб саналган "Пахтакор" ва "Бунёдкор" жамоалари қаршилиги гувоҳи бўлишди. Кескин курашлар остида ўтган ўйинда 5:3 ҳисобида "Бунёдкор"чилар ғалаба қозонишди.

Иккинчи ярим финал жуфтлигида эса "Ардус" "Чирчиқ" жамоаси билан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Финалда "Бунёдкор" мамлакатимизнинг уч қарра чемпиони, Ўзбекистон кубоги соҳиб, Осий чемпионлар лигаси кумуш медали совриндори "Ардус"ни қийинчилик билан мағлубиятга учратди — 4:3.

Мамлакатимизда ҳеч бир инсон ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги керак. Бу — инсонпарварлик гозлари устувор бўлган жамиятимизнинг асосий максалларидан бири. Шу боис истиқлол йилларида юртимизда аҳолини иқтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёлғиз ва қаровчисиз кексалар, эҳтиёмжанд оилалар, ота-онасиз фарзандлар давлатимизнинг гамхўрлигидан баҳраманд бўлиб яшашяпти.

## ВАТАН АРДОҒИДАГИ АВЛОД

Бугун Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида қад ростлаган обод ва кўркам маскан — "Болалар шаҳарчаси"ни аниқ таъриф қилиш керак. Бу ерда гамхўрликнинг ёрқин ифодаси сифатида эътироф этиш мумкин.


Яқинда вилоятда ўтказилган катта спорт байрами — "Умид нисоллари — 2009" мусобақалари арасида фаолият бошлаган ушбу шаҳарча болаларнинг шодон кийириқлари, самимий кулгили билан янада файзли, янада тароватли. Бу ерда яшовчи болаларнинг ҳақиқий ота-оналарининг баҳраманд бўлишолмайдими. Бироқ бу шундай қисмат эгаларининг обод ва озода юртимизда бошқа тенгшолари қатори бахтиёр ҳаёт кечирядилари, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун тўқиб бўла оладиган майдон. Мутахассислар меконимизда, ошқона, ётоқхона, дам олиш ва бошқа маъиший хизмат хоналаридан иборат 10 та замонавий уй-қоттеж, 1000 туп арча нисоллари билан кўркам қиёфа касб этган обод ҳовли, спорт майдончалари, 270 туп мевали дарахтлар экилган қарийб бир гектарлик "Меҳрон боғи", 200 нафар томошабинга мўлжалланган муҳташам амфитеатр — буларнинг барчаси "Болалар шаҳарчаси"даги фарзандлар истиёрида.

— Одатда, ота-онасиз воға етаётган болалар меҳр-муҳаббатга ташна бўлишади, — дейди "Болалар шаҳарчаси" директори Покиза Аҳмаджонова. — Негани, оила — муқаддас қўрғон. Унда нафақат ота-она, балки ака-ука, опа-сингилнинг ўз ўрни бор. Бу қўрғонда ва сирли ришта ота-онасиз болаларнинг кўзларида мунг, кўнглида ўқоқлик уйғотади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган шаҳарчамизда оила муҳитини яратилишга ҳаракат қилаёلمиз. Яъни бу ерда ҳар бир ўғил-қизнинг ўз онаси, ака-укалари, опасингиллари бор. Улар учун шаҳарчадан кўп хонали уй-қоттеж ажратилган. Яшаш шароитлари ҳам шунга мос. Масалан, ҳар бир оила ўз аъзоларининг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб, ўз-ўзига таъинланади. Она — фарзандларнинг тарбиялаш учун масъул. Бунинг учун педагог-тарбиячи ажратилган. У шун ерда муҳташам истикомат қилиб, оиллага бошчилик қилади. Хонадоннинг каттароқ аъзолари — фарзандлар онага дастёр, ука-сингилларига маҳаббат кўмакчи.

Хозирда шаҳарчада 72 нафар ўғил-қиз истикомат қилади. Уларнинг ушдан бир қисмини мактабга ёшдаги болалар ташкил эта-

Кун билан тун йилига икки бор тенг келади. Бу ҳодиса дастлаб Наврўзда рўй берса, иккинчи марта мезонда кузатилади. Мезон — "тенглик", "меъёр", "ўлчов" дегани-да.

## МЕЗОН ЭҲСОНЛАРИ



Мезон, шамсий йил тақвимида кўра, еттинчи ой бўлиб, 22 сентябрдан 21 октябргача бўлган мuddатни ўз ичига олади. Халқимизда бу ой "табиатнинг эҳсони" дея таърифланади. Бу беҳиз эмас. Чунки йил бошидан қилинган меҳнат самараси айни шу пайтда юзага чиқади. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, пахта ҳосили йиғиштирилиб, қиш учун захира жамғарилади. Фаллакорлар ерни шудгорлаш, келгуси йил ҳосили учун дон севиши ишларига киришадилар. Боғбонлар эса ой охирига бориб, дарахтларга шакл бериш, ўғитлаш, тоқларни кўмиш сингари агротехника тадбирларини бажарадилар. Зотан, мезон деҳқончиликда агротехника юмушлари бажариладиган сўнгги

ой ҳисобланади. Халқ мақолида айтилганидек, "мезондан сўнг ёз бўлмас". Дарвоқе, мезон ҳавоси энг фараҳбахшидир. Унинг офтоби меваларга ҳол берса, инсонга ҳузур бағишлайди. Пахталар қиёс очилади. Айниқса, майин шабадаси қони фойда. Қишга жамғариладиган мевачева, полиз-сабзавот маҳсулотлари мезон шамоли эсгандан сўнггина йиғиштирилади. Кексаларнинг айтишича, бунда ҳикмат кўп. Чунки мезон шамоли қишлоқ ҳужалиги маҳсулотларининг айнимасдан узоқ сақланишини таъминлайди.

Мезон шамоли эсаётганда, ҳавода оппоқ момик тоғлар кўзга ташланади. Бу — "ҳаво мезони". Унинг ингичка ёки йўғонлигига қараб, қишнинг қандай келиши башорат қилинади.

Мезон оғи охирагача, ерга шудринг ташади, куз ёмғирлари бошланади. Шу маънода, у деҳқонлар учун энг қизгин меҳнат масъумидир. Ва деҳқон борки, унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки акраб яқин. У совуқларни қақириб келиши, шубҳасиз.

Р. САИДОВ тайёрлади.

## Самарқанд томонларда

"Энг меҳрли кутубхоначи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда шаҳар ва туманлар кўзи оғизлар жамиятлари қoшидаги кутубхоналар ходимлари қатнашдилар.

## «Энг меҳрли кутубхоначи»

Иштирокчилар махсус кутубхона иштини юритиш, кутубхоналар ҳуСУсан, ёш ўқувчилар билан шуғулланиш ҳамда бошқа соҳага оид билим ва кўникмаларини намойиш этидилар.

Танлов якунида Тайлоқ тумани кўзи оғизлар жамияти кутубхоначиси Баҳора Ҳасанова гoлиб деб тоғилди. Эндиликда у танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

## «Ранглар жилоси» ҳайратлари

Шаҳардаги "Чорсу" тасвирий санъат галереясида вилоят рассомлари, ҳайкалтарoш ва кулoлларининг "Ранглар жилоси" деб номланган кўргазмаси очилди.

Бир ой давом этадиган ушбу тадбирда 30 дан ортқ иқтидорли ижодкорнинг 115 та асарини намойиш қилинмоқда. Уларда юртимизнинг бетақорр табиати, замондошларимиз қиёфаси, мейморий обидаларнинг мафтункор жилоси ўз аксини топган.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

## Ёш ракетка усталари баҳси

Пойтахтимизда болалар ўртасида теннис бўйича турнир ўтказилди.

Қизгин курашларга бой ўтган беллашулар якунида тошкентлик ёш ракетка усталари Камила Умарова ва Андрей Шпилов бош мукофот соҳиб бўлишди. Шунингдек, Сарвино Бакирова, Кристина Исакова, Тимур Сатимов, Лайло Баҳодирова ва Умар Аҳмеджонов (Тошкент шаҳри) ҳамда Анвар Ҳамидов (Самарқанд вилояти) совриндорлар сафидан жой олишди.



Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

## «Agro Marker Plus» МЧЖ

мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун юқори сифатли, экологик тоза 100000 та пластик яшиқ-тараларни тақлиф этади.

Яшиқлар ҳажми:  
\* узунлиги — 40,5 см.;  
\* эни — 29,5 см.;  
\* баландлиги — 17 см.

Баҳоси — келишилган нарҳда.  
Тўлов шакли — турлича.

Махсулот сертификатланган.



Тел.: (8-371) 233-80-24, Тошкент ш.  
Уяли тел.: (+99897) 476-08-71.

## Qishloq Qurilish Bank

Рамозон ҳайити (Йид ал-Фитр) муносабати билан ҳамюртларимизни муборакбод этади ва уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда янги ижодий ютуқлар тилайди!

Ҳамюртларимизга янги омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади.

- «МУАЛЛИМ» Мuddати — 3 ой, йилига — 30 фоиз
- «МЕЗОН» Мuddати — 6 ой, йилига — 28 фоиз
- «ОЛТИН КЎЗ» Мuddати — 12 ой, йилига — 26 фоиз
- «ШОДИЁНА» Мuddати — 18 ой, йилига — 24 фоиз

Омонатлар бўйича устама фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.

Банкдаги омонат маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4057-сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17.  
www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматиде!  
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаяв ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи — Ю. Бурунов.  
Муасхих — С. Исламов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.45 Топшириқли — 21.45

123 5